

Qishloq hayoti

Кишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 18-IYUL, PAYSHANBA, 87 (8168)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ЎЗБЕКИСТОН ФАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сиз, азиз дехқон ва фермерларимизни, барча дала мөхнаткашларини ризқ-рӯзимиз ва бойлигимиз манбаи, дастурхонларимизнинг тўкинлиги, тўқчилик белгиси бўлмиш фалладан 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, улкан мөхнат фалабасини кўлга киритганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бугун Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихида биринчидан бор мана шундай мисли кўрилмаган натижага эришиб, кўпчилик вилоят ва туманларда, фермер хўжаликлирида хосилдорликни юксак даражага етказганимиз фидойи дехқон ва фермерларимиз қандай буюк ишларга қодир эканини намоён этиб, бутун ҳалқимизнинг кайфияти ва руҳини кўтарди, десак, ҳеч қандай муборага бўлмайди.

Ҳалқимизга мансуб бўлган азалий қадрятга кўра, нонни азиз ва табаррук неъмат сифатида қадрлаб, эъзозлаб, уни доимо кўзига тўтиё қилиб яшайдиган эл-юртимиз бу ютуқ қандай оғир ва машаққатли мөхнатингиз, азму шижаотингиз эвазига кўлга киритилганини яхши билади ва юксак баҳолади.

Ҳақиқатан ҳам, бу йилги мавсумда ўртача хосилдорликни 55 центнерга етказганингиз, ўтган йилга нисбатан қарийб 500 минг тонна кўп фалла олишга эришганингиз ҳар қанча таҳсин ва тасанноларга муносибdir.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Жорий йилда барпо этилган улкан фалла хирмонини 90-йилларда мамлакатимизда шу борада мавжуд бўлган ҳолат билан қиёслаб, солиштирадиган бўлсак, бизнинг тарихан кисқа даврда тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин бўлган буюк йўлни босиб ўтганимиз, бу фалаба-нинг нақадар юксак, юртимиз учун нақадар қадрли экани яна ва яна бир бор аён бўлади.

1991 йилда, Ўзбекистон энди мустақилликка эришган кунларда ўлкамизда жами 940 минг тонна фалла етиширилиб, ўртача хосилдорлик бор-йўғи 17 центнерни ташкил этганини, республика миздон ва ун таъминоти бўйича бутунлай Марказга қарам бўлиб кун кечирганини ўзимизга фараз қиласак,

ўтган йиллар мобайнида фалла мустақиллигини кўлга киритганимиз, хосилдорлик З каррадан кўпроқ ошгани, умумий ҳосил 7 баробардан зиёд кўпайгани, ҳозирги вақтда нафақат ўз эҳтиёжимизни таъминлаш, айни пайтда хорижий давлатларга дон экспорт қилишга эришганимиз бизнинг қандай юксак мэрраларни забт этганимиздан яққол далолат беради ва ўзгаларнинг ҳайратини тортади.


Албатта, кўлга киритилган бундай улкан натижаларнинг асосий омил ва мезонлари нималардан иборат, деган табиий савол туғилади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бизнинг бугунги кунда дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган, ривожланишнинг "ўзбек модели" деб ном олган тараққиёт йўлини, демократлаштириш ва янгиланиш йўлини танлаганимиз, ҳалқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш мақсадида чукур ўйланган, кенг кўламли ислоҳот ва ўзгаришларни аввало иқтисодиётнинг етакчи таромфи бўлмиш қишлоқ хўжалигидан бошлаганимиз мана шундай ютукларимизнинг негизини ташкил этимода, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўзини оқламаган эски тизмнинг ўзаги бўлган мулкчилик шаклларидан воз кечиб, бозор муносабатлари ва хусусий мулкчиликни жорий этганимиз қишлоқ хўжалигига мутлақо янги ишлаб чиқариш муносабатларини ривож топтиришда, энг муҳими, қишлоқ ахлининг бутунлай янгича фикрлаш, ўз мөхнатига янгича қарашини шакллантиришда энг асосий ва муҳим омил бўлди.

Шу борада фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берганимиз, уни мустаҳкамлаш ва тараққиёт эттириш учун ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий замин яратиб берганимиз, бу ҳаракатни ҳар томонлама рағбатлантириб, кўллаб-кувватлаганимиз бугунги кунда унинг қишлоқ хўжалигига чиндан ҳам ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқишида, дехқон ўзини ҳақиқий ер эгаси, мулк соҳиби деб хис қилишида, фермерларни, таъбир жоиз бўлса, жамияти-мизнинг таянчига айлантиришда бекиёс аҳамият касб этиди.

(Давоми 2-саҳифада)



ФАЛЛАЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИДАГИ ЁРҚИН САҲИФА

7 МИЛЛИОН 610 МИНГ ТОННАЛИК ЎЗБЕКИСТОН ХИРМОНИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма иккӣиллик қутлуг байрамини муносиб мөхнат тухфаси билан кутиб олишни аҳд қилган республикамиз фаллакорлари 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд дон хирмони бунёд этиши. Бу улкан хирмон мамлакатимиз фалла мустақиллигин янада мустаҳкамлаб, юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончини янада оширди.

Бугун нафақат фаллакорларнинг, балки барча юртдошларимизнинг кўнглида байрам шукухи, дилию тилида шукроналик. Ахир дони бор элнинг нони ҳам бутун бўлади. Тандир тўлиб нон ёпилиши юрт ризқи бутунлиги, дастурхон файзидан далолат. Ҳар куни нон иси туттган хонаёндан эса барака бўлади.

Таъкидлаш жоизки, эришилган ютуқнинг мустаҳкам пойдевори бор. Юртбошимиз раҳнамолигига қишлоқ хўжалигига олиб борилган ислоҳотлар, изчил амалга оширилган ишлар натижасида фалла мустақиллигига эришдик. Ҳолбуки, истиқлолнинг ilk йилларида бу фақатгина орзу эди, холос. Ракамларга эътибор қаратамиз:

1990 йилларда республикамиз бўйича жами 940 минг тонна фалла етиширилиб, ҳар гектар ердан 17 центнердан ҳосил олинган. Аҳоли эҳтиёжи учун асосий буғдор хориждан валюта ҳисобига келтириларди. Бугун эса манзара тамомила ўзгарди. 7 миллион 610 минг тонналик Ўзбекистон фалласи. Ўзимизнинг донимиз, шонимиз, ризқимиз, фаровонлигимиз тимсоли. Хосилдорлик эса ўртача 55 центнерни ташкил этимода. Ўтган йилларда ҳосилдорлик З каррадан кўпроқ ошиб, фалла етишириш ҳажми етти баробарга кўпайди. Энг асосийси, фалламиз ўзимизнинг эҳтиёжимизни қондириб, хорижга экспорт қилиш имконига ҳам эга бўлдик.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН ФАЛЛАКОРЛАРИГА

(Боши 1-саҳифада)

Шу маънода, барчамизни боқадиган, жамики ноз-неъмат ва бойликларнинг бунёдкори бўлмиш дехқон ва фермерларимизнинг дунёкараши, онгу тафаккури, хаётга муносабати, сиёсий савияси ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани бугун кўлга киритаётган улкан мэрраларимизнинг асосий шарти ва гарови бўлмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Айтиш керакки, бу йилги мавсум ўтган мавсумларга нисбатан осон бўлгани йўқ. Фаллакорларимиз табиат ва иқлим қийинчиликлари билан боғлиқ турли синовларни енгиб ўтишларига тўғри келди. Қиши фаслида ҳавонинг совуқлик дараҷаси меъёридан ортиқ бўлгани, март ойида эса ҳароратнинг одатдагидан кўра пасайиб кетгани, дўл ва жалалар ёфиши дехқонларимиз учун жиддий ташвиш ва муаммолар туғдирди.

Айни шундай мураккаб шароитда дала меҳнаткашлари аввало ишни тўғри ташкил қилиш, замонавий агротехнологиялардан самарали фойдаланиш ҳисобидан ҳосилни саклаб қолишга ва белгиланган мэрраларни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Бу ҳақда гапирганда, мавсум давомида фаллазорларга жами 12 миллион тонна, ҳар гектар майдонга ўртача 10 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани, дехқонларимизнинг ҳар туп кўчат устида парвона бўлиб, ўзини аямасдан меҳнат қилганини миннатдорлик билан таъкидлаш лозим.

Албатта, мана шундай юқсак хирмон яратишга эришганимизнинг омиллари ҳақида сўз юритганда, охирги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, селекция ишларини тўғри йўлга кўйиш, фалла навларини ҳар бир худуднинг иқлим ва тупроқ шароитини, сув билан таъминланиш даражасини инобатга олган ҳолда жойлаштириш, замонавий техника, янги комбайнлар, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш, ҳашорат ва заараркунандаларга қарши курашиш – албатта, буларнинг барчаси амалий самарасини берганини унутмаслигимиз керак.

Ишнинг кўзини билиб амалга оширилган ана шундай муҳим чора-тадбирлар туфайли барча вилоят, жумладан, нисбатан оғир шароитда бўлган Қоракалпогистон Республикаси ва Хоразм вилояти фаллакорлари ҳам давлатга дон сотиш шартнома мажбуриятини бажаришга эришдилар. Айниска, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд, Наманган, Фарона, Бухоро ва Тошкент вилоятларида сурориладиган ерларда ҳосилдорлик ўртача 57-63 центнерни ташкил қилганини бу йилги мавсумнинг энг муҳим натижаси сифатида баҳолаш ўринлидир.

Бошқаларга ибрат ва наму-

на бўлган Учкўргон, Норин, Ўичи, Сариосиё, Вобкент, Яккабоғ, Қарши, Олтинкўл, Иштиҳон, Пахтаобод, Избоскан, Балиқчи, Оқдарё, Учкўприк, Косон, Дўстлик, Ромитан, Тошлок, Фурқат, Пискент, Юқоричирчик, Ҳатирчи туманларида ҳосилдорлик 60-75 центнердан ошганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Каттақўргон туманидаги “Хосил”, “Шакар ота”, Учкўприк туманидаги “Фаровон ҳаёт сари”, Норин туманидаги “Аҳмаджон Алижон ота ўғли”, Учкўргон туманидаги “Гулхумор”, Бувайда туманидаги “Ёқубжон ота”, Олтинкўл туманидаги “Намуна серхосил ери”, Жондор туманидаги “Бахтиёр Яраш ўғли”, Дўстлик туманидаги “Омонтурди ота”, Ҳатирчи туманидаги “Тасмачи иқболи”, Ўртачирчик туманидаги “Иброҳим Абдураҳмонов” каби ўнлаб фермер ҳўжаликларида гектаридан 100 центнер ва ундан ошириб ҳосил олингани юртимиз дехқонларининг ҳақиқий омилкорлик фазилатлари ва меҳнат жасоратининг яна бир амалий инфодаси бўлди.

Энг асосийси, етиширилган жами ҳосилнинг қарийб 50 фоизи ёки 3 миллион 524 минг тоннаси фермер ҳўжаликлари ихтиёрида қолдирилганини дехқонларнинг омборлари донга, рўзгорлари кутбаракага тўлиб бораётгани, улар ўз меҳнатидан катта манфаат кўраётганининг ёрқин далили сифатида қабул қиласиз.

Қадрли ва муҳтарам дўстларим!

Ишончим комил – буғунги кувончилийни айёмда сиз, азиз фаллакорларимиз, дехқон ва фермерларимиз эришган бу улкан фалаба Ўзбекистонимизда каттаю кичик барчани, касбу кори, вазифасидан қатын наазар, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Буғун эл-юртимизнинг тилида ва дилида сизларнинг шаъннингизга бағишиб, “Баракалла, барчамизни қойил қолдирингиз, ҳеч қачон кам бўлман!” деб айтиладиган ҳис-туйғулар, эзгу тилаклар мұжассам, десам, ўйлайманки, янглишмаган бўламан.

Мана шундай курсандчилик кунда сиз, миришкор дехқон ва фермерларни, механизатор ва комбайнчиларни, қишлоқ ҳўжалиги мутахассисларни, юқсак хирмонга муносаб ҳисса кўшган барча-барча юртдошларимизни бағримга босиб, яна бир бор самимий табриклиман.

Фидокорона ва ҳалол меҳнатингиз учун ўз номимдан, бутун ҳалқимиз номидан таъзим қиласиз.

Доимо соғ-омон бўлинг, азизларим, қадрдонларим!

Гўзал ва бетакрор, муқаддас Ватанимизни, заҳматкаш ва олижаноб ҳалқимизни Яратганимиз доимо ўз паноҳида асрасин!

**Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



ФАЛЛАЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИДАГИ ЁРҚИН САҲИФА

(Боши 1-саҳифада)

Улкан фалла хирмонига, айниска, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд, Наманган, Фарона, Бухоро ва Тошкент вилоятлари фаллакорлари муносаби улуш кўшдилар. Фалла майдонларининг ҳар гектаридан 57-63 центнердан ошириб дон ўриб янчиб олинди. Бу кўрсаткич Учкўргон, Норин, Ўичи, Сариосиё, Вобкент, Яккабоғ, Қарши, Олтинкўл, Иштиҳон, Пахтаобод, Избоскан, Балиқчи, Оқдарё, Учкўприк, Косон, Дўстлик, Ромитан, Тошлок, Фурқат, Пискент, Юқоричирчик, Ҳатирчи туманларида 60-75 центнердан ошганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Каттақўргон туманидаги

“Хосил”, “Шакар ота”, Учкўприк туманидаги “Фаровон ҳаёт сари”, Норин туманидаги “Аҳмаджон Алижон ота ўғли”, Учкўргон туманидаги “Гулхумор”, Бувайда туманидаги “Ёқубжон ота”, Олтинкўл туманидаги “Намуна серхосил ери”, Жондор туманидаги “Бахтиёр Яраш ўғли”, Дўстлик туманидаги “Омонтурди ота”, Ҳатирчи туманидаги “Тасмачи иқболи”, Урта Чирчик туманидаги “Иброҳим Абдураҳмонов” каби ўнлаб фермер ҳўжаликларида мана шундай натижада қайд этилган фермерлик ҳаракатининг том маънода истиқболли эканлигини, фаллакорларнинг меҳнат жасоратини намоён.

7 миллион 610 минг тоннаник фалла хирмони. Бу хирмонда, ҳар кун туйганимиз нон исиди, дастурхонимизни безаб турган нонда – эришилган ютуқларда, аввало, дехқоннинг – фаллакорларни ҳўжаликни махнати, фидойлиги намоён.

Ахир, дехқон учун осон келган, ўз-ўзидан ҳосил битган йилнинг ўзи бўлмаган. Албатта, ҳар бир эришилган ютуқнинг, мұваффақиятнинг ўзига хос омиллари, мезонлари мавжуд.

Жорий йил об-ҳавоси фаллацилик учун бироз ноқуладай келди. Ҳусусан, қишлоқ ғаслида ҳавонинг меъёрига нисбатан совуқ, март ойида эса ҳароратнинг пасайиб кетиши, баҳорда дўл ва жаланинг меъёридан кўп бўлгани фаллакорларимиз учун жиддий ташвишлар түгдирди. Уларга қарши бирдамлиқда курашилди, парвариша огоҳлик, ташаббускорлик билан меҳнат килинди. Айниска, мавсум давомида фалла майсаларини маҳаллий ўғит билан озиқлантиришга алоҳида ётибор қаратиди. Ҳар гектар майдонга ўртача 10 тоннадан маҳаллий ўғит берилди. Мана шу омиллар фалла ривожини тезлаштириб, буғунги натижага эришишга имкон яратди.

Омилкорлик билан иш тутилиши эвазига етиширилган мўл ҳосилда фермерлик, ерга эзалик ҳиссининг аҳамияти муҳим бўлди. Шунингдек, яратиб берилаб ташвишлар түгдирди. Уларга қарши бирдамлиқда курашилди, парвариша огоҳлик, ташаббускорлик билан меҳнат килинди. Айниска, мавсум давомида фалла майсаларини маҳаллий ўғит билан озиқлантиришга алоҳида ётибор қаратиди. Ҳар гектар майдонга ўртача 10 тоннадан маҳаллий ўғит берилди. Мана шу омиллар фалла ривожини тезлаштириб, буғунги натижага эришишга имкон яратди.

Айни пайтда фермер ҳўжаликлари қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини барпо этишида, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ижтимоий-сиёсий кучга айланмоқда. Юртбошимишнинг: “**Фермер бой бўлса – мамлакат обод бўлади**” деган сўзлари замонида ҳам ана шундай ҳақиқат қаратилган ётибор мамлака-

тизимизда озиқ-овқат муаммосини ўз имкониятларимиз ҳисобидан ҳал қилиш, айниска, дон мустақилларини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалиги экинларини жойлаштиришда, сирасини айтганда, аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобидан таъминлашга эришилди. Ҳусусан, фаллачиликда ҳам.

Дунёда аҳолининг ўсиб бориши, саноатнинг ривожланиши каби омиллар бois озиқ-овқатга талаб ошиб бораёттир. Айниска, кейинги йиллардаги ноқулий об-ҳаво шароити қишлоқ ҳўжалигига жиддий зарар етказмоқда. Фалла ҳосилдорлиги пасайиб кетяпти. Шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда фаллачилик соҳасида эришилаётган ушбу ютуқлар барчамизнинг кўнглигимизга кувонч ва ифтихор бағишилайди.

Мутахассисларнинг ўтирофича, мамлакатнинг дон хирмони юксак бўлишининг асосий омилларидан бири – уруғчиликка қаратилган ўтиборлар. Касаллик ва зааркундадарга чидамли, серхосил фалла навларини яратиш, навларни ҳар бир худуд шароитига мослаб жойлаштириш борасидаги ишлар ўз самарасини бермоқда. Агротехника жараёнида ёқилғимойлаш материалыни, ўғитларнинг жойларга етказиб бериш борасидаги сави-ҳаракатлар фермерларимизни янада шижаот билан меҳнат қилишга ундамоқда. Уларни янги мэрраларга чорломоқда. Ҳусусан, бу йилги ҳосилнинг мўл бўлиши, уларнинг манфаатдорлигини янада ошириди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, фермерлар давлат шартномасидан оргтан донга ўзлари эзалик қилимоқда. Яратилган улкан фалла хирмонининг 50 фоизи ёки 3 миллион 525 минг тоннаси фермер ҳўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида қолдирилгани дехқоннинг омбори донга тўлганидан нишона. Демакки, манфаатдорликнинг ошиши яратувчаник, ҳамжиҳатлик, ҳосилдорлик ва сифатнинг-да ошишига омил бўлаёттир. Буғун фермер ихтиёрида қолган дон билан ишчилари оиласи, кўни-кўшини, хуллас элу юрт дастурхонига барака киритаётir.

Ҳосил етишириш машакқати баробарида уни йигиштириб олиш масъулияти ҳам бўлади. Мавсумга пухта тайёргарлик кўрилгани бois у мұваффақиятли яқунланмоқда. Энг мұхими, йилдан-йилга мавсум фурсатлари қисқариб бормоқда. Бу ўюшқолик ва масъулият хиссининг ошиб бориши ва замонавий ўрим-ийим техникаларининг жалб этилаётгани самарасидир. Галладан бўшаган майдонлар эса сомондан тозаланиб, пешмапш шудгорланмоқда. Бу билан янаги мўл ҳосилга тамал қўйилаётir.

Буғунги меҳнат зафари нафакат фаллакорларимизни, балки барча юртдошларимиз дилини қувончга тўлдирди. Негаки, юксак хирмон ризқимиз бутунлиги, дастурхонимиз тўкинилиги, пировардиди аҳоли фаровонлиги тимсолиди. **Анвар КУЛМУРОДОВ,** “Qishloq hayoti” мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2013 йил 16 июлда Вазирлар
Маҳкамасининг мажлиси бўлиб
ўтди. Мажлисда жорий йилнинг
биринчи ярим йиллигида рес-
публикани ижтимоий-иктисодий
ривожлантириш якунлари кўриб
чиқилди ҳамда 2013 йил 18
январда республика ҳукумати
мажлисида Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислом
Каримов томонидан белгилаб
берилган 2013 йилги иқтисодий
дастурнинг йўналишлари ва энг
муҳим устувор вазифалари
амалга оширилишини таъмин-
лаш юзасидан кўшимча чора-
тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисда 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг аввало иқтисодиёт ўсишининг барқарор юқори суръатларини сақлашга ва унинг рақобатбардошлигини оширишга, фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштиришга ва кўламларини кенгайтиришга, йўл-транспорт ва коммуникация инфратизилмасини жадал ривожлантиришга, шунингдек, аҳоли бандлигини, турмуши даражаси ва сифатини изчил оширишга йўналтирилган устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш ишлари натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилиб, чукур таҳлил килинди.

Қайд этилдики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигига ишлаб чиқилган мамлакатни ислоҳ килиш ва ривожлантиришнинг самарали стратегияси изчил ва аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилиши туфайли, глобал иқтисодиётда мавжуд бўлган жиддий муаммоларга қарамай, Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини ва макроиктисодий баркарорликни сақлаш таъминланмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажмининг ўсиши 8,2 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етишириш хажмининг ўсиши – 7,3 фоизни, қурилиш ишлари хажмининг ўсиши – 16,1 фоизни ташкил қилди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Ички талабни мутаносиб рағбатлантириш ҳамда маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни ва хизматлар кўрсатувчиларни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар иске таъминланмоқда. Бу уларнинг ялпи ички маҳсулот, саноат ишлаб чиқариши, экспорт ва бандликтаги улушкининг изчил ўсишида акс этмоқда. Фақат жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида кичик бизнеснинг 15,8 мингта янги субъекти ташкил этилди.

Энг юкори даражада кулаги ишбилар монлик мұхитини шакллантириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаол ривожланмоқда. Бу уларнинг ялпи ички маҳсулот, саноат ишлаб чиқариши, экспорт ва бандликтаги улушкининг изчил ўсишида акс этмоқда. Фақат жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида кичик бизнеснинг 15,8 мингта янги субъекти ташкил этилди.

“Обод турмуш йили” давлат дастури доирасида халқнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, мамлакатнинг фаронвонлиги ва равнакини таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобига 3,4 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Жорий йилнинг I ярим йиллигига 554,4 мингта янги иш ўринлари, улардан 334,4 мингтадан кўпроғи ёки 60,3 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Ахолининг реал



даромадлари 16,3 фоизга ўсади.

Муҳокама давомида вазирliklar, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимиёт органлари раҳбарлари олдига устувор вазифалар бажарилишини ҳамда 2013 йил учун белгиланган мақсадли параметрлар ва прогнозларга эришишни таъминладиган, шунингдек, кейинги йилда иқтисодиётнинг барқарор ишлари учун тайёргарлик ишларини ташкил этиш бўйича комплекс кўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар кўйилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини, тегишили вазирliklar, идоралар ва хўжалик бирлашмалariiga янгидан ташкил этиладиган иш ўринlari сонини кўпайтириш, шунингдек, касбхунар коллежлари битириувчilarini эгалланган мутахassisilklariga мувофиқ ишга жойлаштиришини таъминлаш учун мавжуд захираларни сафарбар этиш юзасидан аниқ топшириклар берилди.

Мажлисда стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириши жадаллаштириш ва 2013 йилда ишга тушириш назарда тутилган энг муҳим ишлаб чиқариш обьектларини ўз вақтида фойдаланишига топширишни сўзсиз таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижаларини батафсил таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Қайд этилдики, кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўзлаштирилган инвестициялар хажмини 10,2 фоизга, шу жумладан хорижий инвестициялар ва кредитлар хажмини – 13,2 фоизга кўпайтириш таъминланди. 1233 ишлаб чиқариш обьекти фойдаланишига топширилди, умумий киймати 6,8 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 141 янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирувчи автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш дастури доирасида 349,9 миллиард сўм ўзлаштирилди.

Муҳокама давомида айрим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қолоқликка йўл кўйган бир қанча хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарlарining фаолияти таъкид қилинди. Улар олдига камчиликларни бартараф этиш ҳамда йўл кўйилган қолоқликning ўрнини тўлдириши ва ишлаб чиқариш обьектlарining ўз вақтида ишга туширилишини таъминладиган кўшимча чора-тадбирлар кўриш юзасидан қатъий талаблар кўйилди.

Мажлисда ижро этувчи ҳокимиёт органлари, “Қишлоқ қурилиш инвест” компанияси ва “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки раҳбарlарining эътибори қишлоқ жойларда жорий йилда фойдаланишига топширилиши назарда тутилган наmunavii lойиҳалар бўйича 10 мингта янги ўй-жойлар қурилиши тугалланишини жадаллаштириш зарурлигiga қаратилди.

Мажлисда экспортга йўналтирилган рағбатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва экспортдан олинидаги валюта тушумини кўпайтириш ишларining ҳолати ҳар томонлама кўриб чиқилиб, батафсил таҳлил қилинди. Қайд этилдики, жаҳон бозорлари конъюнкту-

расидаги нокулай ўзгаришларга қарамай, иқтисодиёт тармоқларининг экспорт салоҳиятни ривожлантириши рағбатлантириш, экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар экспорт ҳажмининг 11,4 фоизга ўсишини ва ташки савдо айланмасининг салмоқли ижобий сальдосини таъминлади. Мажаллий товарлар ва хизматларни экспорт қилиш турлари ва географияси кенгаймоқда.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида экспортга етказиб бериладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш хажмини ва уларнинг турларини кенгайтириш захираларини аниқлаш ва мавжуд захираларни сафарбар этиши ишларини зарур даражада ташкил этишини таъминламаётган бир қанча хўжалик бирлашмалари ва вилоятлар ҳокимларни раҳбарlарining фаолияти таъкид қилинди. Улар олдига экспорт қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш билан шугулланмайдиган саноат корхоналарини экспорт фаолиятига жалб этишга, шунингдек, халқaro стандартларга мувофиқ маҳсулот сифатини бошқариш ва унинг сертификациясини ўтказишнинг замонавий тизимларини кенг жорий этишга йўналтирилган комплекс кўшимча чора-тадбирлар кўриш юзасидан аниқ вазифалар кўйилди.

Мажлисда бошоқли дон экинlari ҳосиллини ийғишириб олиши тугаллаш ва гўзаларни ўстириши бўйича комплекс агротехника тадбирларини бажариш ишларини ҳолати батафсил кўриб чиқилиди. Қайд этилдики, дехқонлар, олимлар ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар ходимларини фидокорона меҳнати туфайли бошоқли дон экинlariдан биринchi марта 7,6 миллион тоннадан ортиқ рекорд хосил олинди. Ўртacha ҳосилдорлик гектаридан 49,2 центнерни, шу жумладан супориладиган ерларда – гектарига 55 центнерни ташкил қилди.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирliги, Қорақалpoғiston Республикаси Вазirlар Kенгasi, вилоятlар ҳокimlilarini va қiшлоқ ҳўжалиgiga xizmat kўrsatuvchi iqtisodiyet tarmoqlari raҳbarlariining faoliyati 955 ming gektar erlari shudgorlashni tugallaşni jađallashтириш, уларнинг bir kimsida қiшлоқ ҳўжалиgi эkinlari tarkorani эkişini yuüşko'lik bilan va ўz vaqtida ўtkažish zarurligiga қaratildi. Шунингдек, улар олдига fўzałalar rivojida qoloklikni bartaraf etishi tayminlaidigandir kompleks kўshimcha chora-tadbirlari amalga oshiри shozasidan aниқ topshiriqlar kўyildi.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазirliги, Қорақalpoғiston Республикаси Vazirlari Kengasi, viloyatlardan ҳokimlilarini va қiшлоқ ҳўжaliqiga xizmat kўrsatuvchi iqtisodiyet tarmoqlari raҳbarlariining faoliyati 955 ming gektar erlari shudgorlashni tugallaşni jađallashтиriş, уларнинг bir kimsida қiшлоқ ҳўжалиgi эkinlari tarkorani эkişini yuüşko'lik bilan va ўz vaqtida ўtkažish zarurligiga қaratildi. Шунингдек, улар олдига fўzałalar rivojida qoloklikni bartaraf etishi tayminlaidigandir kompleks kўshimcha chora-tadbirlari amalga oshiри shozasidan aниқ topshiriqlar kўyildi.

Кун тартиbidagi masalalalar bўyicha vazerliklari, idoralar, xўjaliq birlashmalari, respublikadagi yiriq korxonalari va viloyatlardan ҳokimlilarini raҳbarlari sўzga chiqdilar. Respublika xukumatiga mажлисiga kiritilgan masalalarni muҳokama қiliш яkunlari bўyicha tegishli қarorlar қabul қilingandi, ularda 2013 йilda mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanтириш daстuriнинг энг муҳим устувор vазifalari amalga oshiрилишини сўзсиз tayminlaшga doir aниқ chora-tadbirlар belgilandi.



Муллатўйчи Тошмұхаммедов номли вилоят мусиқали драма театрида «Миллий гиламларда — мингминг жилолар» савдо кўргазмаси бўлиб ўтди.

«Миллий гиламларда — минг-минг жилолар»

— Ушбу кўргазма-савдо ўтказишдан асосий мақсад туманларнинг чекка қишлоқларидаги тадбиркор аёллар ҳамда кам таъминланган оиласларни моддий-маънавий кўллаб-куватлаш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, миллий амалий санъат анъаналарини эл орасига кенгроқ сингдиришдан иборатидир, — дейди ташкилий кўмита раиси, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси, вилоят ҳокимининг ўринbosari Inobat Karimova. — Кўргазма-савдода ҳар бир тумандан гилам тўқийидиган хотин-қизлар ўнта турдан кам бўлмаган гилам ва кигизлари билан иштирок этиди.

Кўргазмада тадбиркорлар туманлардаги пахта тозалаш корхоналари масъул вакиллари билан 1870 дона миллий гиламлар етказиб бериш бўйича ўзаро шартнома туздилар. Харид қилинган гиламлардан пахта йигим-терими мавсуми давомида дала шийлонларини жиҳозлашда фойдаланилди.

— 20 хилдаги 30 дона гилам олиб келганимиз, — дейди Қамаши туманидан “Хунарманд” ўюшмаси раҳбари Dilobar Jabborova. — Fajari, Қор парча, Shaxmati, Kўchkor nusxa, Atlas nusxa, Tumor, Gajak, Bugjama, Koқma каби нусхали гиламлар нафақат ички, шу билан бирга ташки бозорга ҳам чиқяпти. Германия ва Францияда бўлиб ўтадиган халқaro давомида дала шийлонларини жиҳозлашда тозаланилди.

Бугунги кўргазма-савдода ҳам омадимиз келди. Moхир тўкувчимиз Maхfuzha Ochilova кўлида сайқал топган гиламлар харидорларни ўзига чорлади. Қамаши тумани пахта тозалаш корхонаси билан 150 дона гилам, 100 дона кигиз етказиб бериш бўйича шартнома имзоладик. Шунингдек, кўргазма-савдода чироқчилик Niilufar Rahimova, қаршилик Mavluða Ernova, миришкорлик Toшой Muhammadiева, якабоғлик Faroғat Muқimova каби ўндан ортиқ гиламdўzлар ҳам “Қашқадарё пахтасаноат” худудий бирлашмаси тасаруғидаги корхоналар билан шартнома имзолашга эришдилар.

**Хусан ТЕМИРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.**

АКАДЕМИК ҲОЖИ-АКБАР РАҲМОНҚУЛОВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Ҳуқуқшунослик соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов 88 ёшида вафот этди.

Ҳ. Раҳмонқулов 1925 йили туғилди. 1950 йили Тошкент юридик институтини тугатиб, иш фаолиятини Ўзбекистон Адлия вазирлиги бошқармасида катта ревизор сифатида бошлади. 1957-1960 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва хуқук институти аспирантурасида таҳсил олди. Дастраси номзодлик, сўнгра докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2000 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги этиб сайданди.

Ўзининг қарийб 55 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Фанлар академиясининг Фалсафа ва хуқук институтида кичик илмий ходим, бўлум мудири, институт директори, Тошкент юридик институтида кафедра мудири, профессор лавозимларида самарали меҳнат қилди, юртимизда малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ишига муносаб ҳисса қўши.

Таникли олимнинг Ўзбекистонда миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини ошириш, мулкий муносабатлар ва хўжалик юритиш ишларини ҳуқуқий тартибга солиш каби долзарб масалаларга, ҳуқуқшунослик фанининг назарий ва амалий муаммоларига бағишинган илмий тадқиқотлари, кўплаб мақола ва рисолалари кенг жамоатчиликка яхши маълум.

Заҳматкаш олим ўз фаолияти давомида жонкуяр устоз сифатида ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берди. Унинг бевосита раҳбарлигига ўнлаб фан номзодлари ва докторлари тайёрланди.

Академик Ҳ. Раҳмонқуловнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносаб тақдирланди. У “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби” фахрий унвони, “Жасорат” медали билан мукофотланган эди.

Таникли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Ҳожи-Акбар Раҳмонқуловнинг хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ,
Д.ТОШМУҲАМЕДОВА,
Ш.МИРЗИЁЕВ, Ш.СОЛИХОВ**

Ўрмон – табиат посанжиси

Манба. Ушбу сўзнинг маъносини ҳаммамиз яхши биламиз. Бирон нарса ҳосил бўлиш учун асос бўладиган омил. Дейлик, китоб билим манбаси, томорқа даромад.

Ҳўш, ҳаёт манбаи-чи? Бунга ҳам барчамиз бирдек жавоб берамиз: ер, сув ва тоза ҳаво. Жавоб берамизу, унинг қадрига ҳаммамиз ҳам бирдек етавермаймиз. Келинг, шу ўринда биз учун тоза ҳаво манбанинни яратиб бераётган ўрмонлар хусусида фикр юритсан.

Олимларнинг маълумотларига кўра, дон-даражатлар тириклигимиз манбайи бўлган кислороднинг 60 фойизини ишлаб чиқарар экан. Шунингдек, тупроқни шамол ва сув эрозиясидан, қышлок хўжалиги экинлари экилган майдонларни, аҳоли яаша жойларини турли табиат ҳодисалардан ҳимоя қиласди. Ер юзида ҳаёт барқарор давом этишида ўрмонлар, мевали дараҳтлар, умуман ўсимликлар дунёсининг аҳамияти бекиёс. Бундан ташқари, улар битмас-туғанмас

хомашё ва озука манбаи ҳамmdir.

Саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланниб бориши ва табиий майдонларнинг кенг миқёсда ўзлаштирилиши, айрим кишилар томонидан биологик ресурслардан ноқонуний фойдаланиш — дараҳтларни кесиш ҳолатлари экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда. Ўрмонзорлар шиддат билан чекиниб бораётir.

Табиатнинг қатъий қонунларга асосланган мезонлари бор. Ушбу мезонларга дарз кетса, ҳаёт мувозанати бузилади. Ўрмонларнинг камайиб кетиши ҳам ушбу мувозанатга кетаётган дарздир.

Инсоннинг ҳаёт кечиришида ўсимликлар оламининг, шу жумладан, дараҳтларнинг аҳамияти бекиёс. Масалан, арча инсонга шодлик туйғусини

бахш этади, қарағай куч беради. Эман тинчлантириб, асабийлашишдан сақлади. Қайнин руҳий чарчоқни ёзса, каштан ички тарангликни бартараф этади. Оддийгина теракни олайлик. У ўзига хос санитар дараҳт ҳисобланниб, дока сингари ҳаводаги барча заҳарли газларни шимшиб олади. Бу мутахассислар томонидан илмий ўрганилган ва синовдан ўтган ҳақиқатdir.

Аммо дараҳту ўрмон ўзича ўсмайди. Балки, қачонлардир шундай бўлгандири, энди эса йўқ. Негаки, экологик вазият, аҳолининг кўпайиши каби омиллар бунга йўл кўймайди. Ҳўш, унда бу ҳолатнинг олдини олиш учун нима қилмоқ керак?

Жавоб эса битта — табиатга муносабатимизни ўзгартиришимиз, уни аслидек асраримиз лозим.

Ўрмонлар ҳудудини кенгайтириши ҳақида сўз кетар экан, ўрмонларни жамики ҳайвонот ва наботот олами билан биргалиқда сақлаб қолиш муҳимлигини таъкидлаш жоиз. Негаки, ўрмонларда юз, минг йиллик дараҳтларга болта уриш ҳоллари, ёнғинлар давом этаяти. Ар-

ранинг 15 минут, борингки, бир соатлик “фаолияти” ёки озигина бепарволик оқибатида минг йиллик дараҳт йўқ бўлади. Маълумотларга кўра, ўртacha каттадиги битта дараҳт бир кечакундузда уч кишига етгулик тоза ҳаво ишлаб чиқарар экан... Демак, ҳаёт манбаи болта уриляпти. Ҳаёт манбаи ёнмоқда. Минглаб ўсимлик ва ҳайвонларнинг турлари йўқолиб кетиш ҳавфи остида туриди. Ахвол шу тарзда давом этса ер юзида биосфера ҳалокатга юз тутиб, инсоният яшashi учун номувофиқ ҳолат вужудга келиши мукаррар.

Бу ҳар биримизни сергак торттириб, табиатга нисбатан бефарқ, лоқайд бўлмаслики талаб этади. Зоро, бир пайтлар боғу бўстон бўлган ерларни чўл-биёбонга айлантиримаслик, гулзорлар ўрнида ёвшанлар ўсишига йўл кўймаслик, сирасини айтганда, табиатни аслидек асрар ҳар биримизнинг вазифамизидир.

Моҳларойим ҚАЮМОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети қошидаги
3-академик лицей ўкувчиси.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЭЗГУ МАҚСАДЛАР БИЛАН

Бугун юртимизда ёшларимизнинг тафаккури бой, салоҳияти юксак, замонавий илм-фан сирларини чуқур ўзлаштирган баркамол шахс сифатида камол топишлари учун барча шарт-шароит ва имкониятлар етарли. Бу мамлакатимиз таълим тизимидағи ўзига хос муваффақиятларнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Айни жиҳатларни бугун юртимиздаги олий ўқув юртларини тамомлаб, қўлига диплом олиб, эзгу мақсадларни дилига жо айлаб, ишлаб чиқаришга йўл олаётган ёшлар кўзларидаги қувончдан ҳам билиб олиш қийин эмас.

Куни кечаки Тошкент давлат аграр университетининг бир гурӯҳ битирувчи магистрантларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Тантанали тадбирда университет жамоаси, битирувчиларнинг устоз-мураббийлари, ота-оналар ва ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда аграр соҳани янада ривожлантиришда соҳанинг

эга бўлди.

Битирувчиларнинг ўз йўналишлари бўйича ишга жойлашувида эса ҳеч қандай тўсиқ ва муаммолар бўлмайди. Айтиш жоизки, уларнинг аксарияти амалиёт ўташ баробарида ўз иш ўринларини танлаб, уч томонлама шартнома имзолашга ҳам ултурган. Бу юртимизда аграр соҳада замон талаблари даражасида юқори малакали ва

муваффақиятли ҳимоя қилдим. Келгуси фаолиятимда фермер хўжаликларини бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, соҳага илгор ва замонавий технологияларни олиб киришни мақсад қилганиман. Бу борада олийгоҳда олган билимларим жуда аскотади.

— Мен доривор ўсимликларни етишиши ва қайта ишлаш технологияси мутахассислиги бўйича диплом олдим,



илмий салоҳиятли кадрларни тайёрлашдек долзарб вазифага жиддий ёндашилаётганидан далолатdir.

Мазкур даргоҳда олган билимларини амалиётга жорий этиш, соҳа ривожи йўлида фолият олиб бориши мақсад килган ўш мутахассисларнинг кувончи чексиз.


— Бугунги ҳаяжонли дамлар ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди, — дейди битирувчи магистрант Анвар Қаршиев. — Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш мутахассислиги бўйича магистрлик диссертациясини

дедай битирувчи магистрант Гулбахор Нишонова. — Энди ушбу мавзуни янада кенгайтирган ҳолда илмий ишимни давом эттироқчиман.

Бугун ёшларимизнинг илм олишга бўлган иштиёқи, интилиши юртимизда уларга яратиб бериладиган шарт-шароитларга монанд тарзда, десак муболага бўлмайди. Қолаверса, илим олиб, эл-юрт корига ярашдек улуғ мақсад ҳар бир ўзбек фарзандининг эзгу ниятига айланган.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
“Qishloq hayoti” мухбири.**

ТАБИАТ ВА ИНСОН

**СОЛИҚ ТИЗИМИ**

Интерактив хизматлар кони фойда

Мустақиллик шарофати ўлароқ мамлакатимиз солиқ тизимини янада таомиллаштириш ва эркинлаштириш, маҳаллий бюджетнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш, тизимни соддалаштириш, унинг ошкоралигини таъминлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқдаки, улар пировард натижада аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Айни вактда интерактив хизматларнинг кенг йўлга қўйилаётганлиги солиқ тўловчилар учун яратилаётган катта имкониятидир.

■ Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
Қашқадарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг www.soliq.uz расмий сайти орқали солиқ тўловчилар ва фуқароларга мўлжалланган 23 турдаги интерактив хизматлар йўлга кўйилган.

Бугунги кунда расмий сайтдаги "Шахсий кабинет"лар орқали вилоятдаги 4100 нафар жисмоний ҳамда 17400 дан ортиқ юридик шахслар бу кулай ва самарали хизматлардан фойдаланиб келмоқдалар. 15470 та юридик шахс ва 4100 нафар жисмоний шахслар Электрон солиқ хисоботларини ҳамда декларацияларни жўнатиш ва бошқа бир қатор хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш мақсадида электрон рақамли имзоларга эга бўлишган.

Шубҳасиз, электрон рақамли имзолар олиш тартиби ва шартлари кўпчилик солиқ тўловчилар ҳамда фуқароларни қизиқтиради. Электрон рақамли имзолар юридик ва жисмоний шахсларга ўзи рўйхатдан ўтган ДСИларда бир йил муддатга берилади. Бу муддат тугагач, электрон рақамли имзолар эгалари рўйхатдан ўтган ДСИга бориб, унинг капитларини қўйта шакллантириб олишлари лозим бўлади. Электрон рақамли имзолар жисмоний шахслар ва бюджет ташкилотларига белул берилади. Қолган юридик шахслар эса энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдоридаги тўловни амалга оширадилар. Бу хизматлар катта миқдорда иқтисодий фойда ҳам келтиради.

Биргина мисол, юридик шахслар томонидан интерактив хизматлар ёрдамида хисоботларни электрон кўринишда топшириш жорий йилнинг ўтган 4 ойида вилоят бўйича 2700 килограммдан ортиқ қофозни иқтисод қилиш имкониятини берди.

Кўрсатилаётган интерактив хизматлар жисмоний шахсларга қандай қуайликлар яратяпти?

Биринчидан, фуқаро Давлат солиқ инспекциясига бормасдан ўзининг индивидуал рақамини билиш имконига эга. Бунинг учун солиқ тўловчи жисмоний шахс Давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказиш амалга ошириладиган рўйхатдан ўтказиш, ҳужжатлари, айрим фаолият турлари билан шуғуланиш учун лицензиялар, шунингдек, пул ҳисоб-китоб тўлов ҳужжатларида ўз СТИРни аниқ ёзиши шарт.

Хар бир жисмоний шахсга ўз СТИРни мустақил равишда аниқлаб олиш учун имконият яратилган. Бунинг учун тегишили майдончаларга паспорт маълумотларини киритиб, "Излаш" тугмасини босиш кифоя қиласди.

Айрим ҳолларда ўёки бу ташкилотга "Солиқ тўловчининг" Давлат солиқ қўмитаси томонидан рўйхатга олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида"ги гувоҳноманинг нусхасини тақдим этишига тўғри келади.

